


**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA
O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**



**JIZZAX VILOYAT XOTIN-QIZLAR QO'MITASI
JIZZAX POLITEKNIKA INSTITUTI**



AYOL - MA'NAVIYAT GULSHANI



**VII RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA**

MATERIALLARI

JIZZAX - 2015

Ҳозирда таълим – тарбия уйғунлиги негизда ўқувчилар онгини ёмонлик, иллатлар, нопоклик, алдамчилик, бойлик ортириш, балойи нафсга гирифтор бўлиш каби нуқсонлардан фориғ қиладиган энг таъсирчан куч маънавият ва маънавий тарбиядир. Шунинг учун ўқувчилар онгига қуйидаги термин ва атамаларнинг мазмун – моҳиятини сингдириш керак бўлади: маънавий – ахлоқий маданият; маънавий – ахлоқий тарбия; маънавий бемор; маънавий билим; маънавий кўникма; маънавий маданият; маънавий поклик; маънавий эътиқод; маънавий эҳтиёж; маънавий қашпоқ одам ва шу қабилилар.

6. Таълим – тарбия уйғунлигида миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш

Мухтарам Юртбошимизнинг фикридан шуни англаш мумкинки, мамлакат куч – қудрати халқимизнинг маънавий жиҳатдан камол топишига, ёшларимизнинг асрлар давомидан авлоддан – авлодга ўтиб келаётган миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлигига боғлиқдир. Бу эса ўқувчи – ёшларимиздаги жамаки инсоний фазилатларни шакллантириб, уларни мунтазам равишда янада такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ушбу соҳада олиб борган изланишлар натижалари ўқувчи – ёшлар онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдиришни қуйидаги йўналишларда олиб бориш маъқуллигини кўрсатди:

- ўқувчиларни миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш;
- ўқувчилар онгига жамятда тинчлик ва осойишталикни сақлашга ундаш;
- ўқувчилар онгида ўз қадрига етиш ва ўзлигини англаш туйғусини шакллантириш;
- ўқувчиларга фаровон ҳаётга интилиш инсоний фазилат эканлигини уқтириш;
- ўқувчиларни ортиқча, мантқиқсиз ташвишлардан воз кечишга ўргатиш.

Демак, ўқувчиларимизнинг маънавий дунёқарашини кенгайтиришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти бекиёс экан. Фақатгина уларни ўқувчилар онгига чуқур сингдиришда таълим – тарбия узвийлигига эътиборни кучайтириш керак экан.

Адабиётлар:

1. Астанова С.Ж. Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда интеграциянинг туган ўрни // “Узлуксиз таълим тизимида маънавий-қасбий баркамол шахс тарбияси” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Гулистон, 2007. – Б.15-16.

2. Абдукаримов Х. Инновацион технологиялар ва уларнинг педагогик моҳияти // “Узлуксиз таълим тизимида маънавий-қасбий баркамол шахс тарбияси” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Гулистон, 2007. – Б.67-69.

МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД ТАЪҚИҚЛАНАДИ

Э.Абдукаримова, Н.Турсунбоева, Б.Мардонов
Жиззах Давлат педагогика институти

Ер юзида ҳаёт пайдо бўлибдики, тафаккур эгаси бўлган инсон ўз турмуш тарзини яхшилашга, кечагидан кўра яхшироқ яшашга, фарзандлари иқболини кўришга интилади. Ҳар бир халқ ижтимоий адолат, фаровонлик йўлини тутар экан, табиийки, шу ният йўлида ҳаракат қилади, шу орзу билан яшайди, келажагига умид ва ишонч кўзи билан қарайди. Дунёда шундай мамлакатлар борки, табиий бойликлари, жўгрофий жойлаштишлари ҳисобига туриш-турмушда кийинчилик нима эканлигини асло билишмайди. Аммо чинакам роҳат-фароғатга, адолат мезонларига фақатгина шунинг ўзи билан эришиб бўлмайди. Ҳаётда инсон қалби, онг тушунчаси, маънавий олами, имон-эътиқоди, инсоф-диёнати билан боғлиқ ҳолатлар ҳам юзага келадикки, улар олдида беҳисоб куч-қудрат, бойлик ҳам ожизлик қилиши мумкин. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ““Юксак маънавият - енгилмас куч” асарини ўқир экансиз, кўнгилдан энг аввало, шу мулоҳазалар ўтади. “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади” - деб таъкидлайди муаллиф. Агар биз бу

масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз холига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, мукаддас кадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охиروقибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин. Бугун янги даврда яшаймиз. Унинг ҳар бир куни, ҳар бир дақиқаси ўсиш-юксалишларга бой: кечаги янгилик бугунга келиб эскирмоқда, бугунги янгилик эса эртанги кун учун мутлақо аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Шу маънода, инсон истаймизми-йўқми, замон билан ҳамқадам, ҳамнафас яшашга интилади. Шиддат билан ривожланаётган ахборот технологияларини ёшларимиз тез ўзлаштириб, юқори натижаларга эришаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Давлатимиз раҳбари “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида: “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман” деган ўта муҳим ва узокни кўзлаб айтилган фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлаганлар. Маънавий таҳдидлар манбалари ҳақида ўйлаб қарасак, ушбу мафкуравий ўта хавфли ва бузғунчи қуролнинг ғайриинсоний ва ғайримиллий жиҳатлари яққол кўзга ташланади ва уни бизнинг миллий маънавиятимизга ёт эканлигини кўрамиз. Шу боисдан бироз беғамликка ва бепарволикка берилсак ушбу бизга ёт ғояларни дунёни остин-устун қилиб юбориши мумкин эканлигига амин бўламиз. Шу боисдан қаерда бироз лоқайдликка йўл қўйган бўлсак, қисқа муддатларда “оммавий маданият”нинг турли кўринишлари миллий кадриятларимизга путур етказётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Европа Уйғониш (Ренессанс) даврида бошланган Янги давр Европа маънавий муҳитига хос қарама-қаршиликларни янада кескинлашига сабаб бўлди. Жумладан, XVIII аср француз маърифатчилиги заминиде шаклланган атеизм йўналиши Гельвеций (1715-1771), Гольбах (1723-1789), Дидро (1713-1784) қарашларида янада бойитилиб, немис мумтоз фалсафасига ўтган ва Фейербах (1804-1872) орқали Карл Маркс ва Ф.Энгельснинг муросасиз синфий кураш тарғиботига қаратилган коммунистик утопия назариясига олиб келган. Бундай хатарли утопик назарияларнинг ҳаётга жорий қилиниши инсоният учун нақадар қимматга тушганлиги бугун барчамизга аён бўлиб турипти. Ушбу офатдан энди қутулдик, деб турганимизда, инсоният яна янги, илгаргилардан-да хатарлироқ, маккорроқ хуружларга дуч келмоқда. “Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида, - деб қуюнчаклик билан қайд этилади Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” рисоласида, - катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий кадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.”

Ахлоқ илмидаги релятивизм тамойили (яъни, ахлоқий қоида ва меёрларнинг замона ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туришини мутлақлаштириш), инсон ахлоқини мўътадил тутишда имоннинг аҳамиятини етарли ҳисобга олмаслик XX аср ўрталаридан бошлаб моҳиятан ғайриинсоний “ахлоқий” (аниқроғи, ғайриахлоқий) меёрларнинг Европа муҳитида урчиб кетишига олиб келди. Европа муҳитидаги бундай хатарли тамойиллар турли йўллар билан дунёнинг бошқа минтақаларига ҳам кириб келмоқда. Биз бошқаларга ақл ўргатмоқчи ёки бу ишинг - тўғри, буниси — нотўғри деб ҳакамлик қилмоқчи ҳам эмасмиз. Биз фақат ўз фарзандларимизни турли ахборот воситалари орқали ёпирилиб келаётган бало-қазолардан ҳимоя қилмоқчимиз, улар онги-шуурида она сути, аجدодлар ўтити, халқ ҳикмати орқали ўзлашган мустақил миллий кадриятларга садоқат, ўз инсоний фазилатларини дадил ҳимоя қила оладиган жасорат уйғотмоқчимиз, халос. Шу билан бирга ўзимизнинг ҳаётдаги турли қарашларга муносабатимизни ҳам очиқ баён қилмоқдамиз, зеро ошқоралик бўлмаса, тафаккур эркин бўлмаса, маънавият соҳасида бирор салмоқли натижага ҳеч қачон эришиб бўлмайди. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, “кимдир Раҳмон измида юрса, кимдир шайтон измида юради,” ҳар кимнинг гуноҳи ҳам , савоби ҳам ўзига. Аммо бостириб келаётган хавфни кўриб туриб, кўрмасликка олиш, хозири-ю ҳузури, ўзимнинг ишим битса бўлди-да, ўзга билан нима ишим бор, деган гаплар бизга тўғри келмайди. Қолаверса, гап биздан кейин шу юртнинг

чирогини ёқиб ўтирадиган болажонларимиз тақдири устида кетаяпти. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, бугунги кунда яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ва зиддиятлар халқлар ва шахслар ўртасида эмас, балки ҳар биримизнинг қалбимизда, онгимизда кечмоқда. Яъни бу муаммолар фақат ёш авлодгагина тааллуқли эмас.

Душман очик-ойдин ўзини кўрсатмайди: сиз махсус кабел орқали берилиб кино кўриб ўтирибсиз, ёки интернет орқали муайян сайтлардаги маълумотлар билан танишяпсиз, кўчада турли рекламалар диққатингизни торгаяпти, эҳтиёт бўлинг, сизни керакли йўналишда “тарбия” қилишяпти, ўз қарашларини турли воситалар билан онгингизга сингдиришяпти. Шундай, “улар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида иш кўради.” Биз эса сал ғафлатга берилсак, онгимиздаги ўзгаришларни ўзимиз ҳам пайқамай қоламиз. Гўёки ҳеч ким бизга тажовуз ҳам қилгани йўқ, мажбур ҳам қилгани йўқ, биз ўз ихтиёримиз билан “мустақил” равишда шу “хулоса”га келдик. Бу ерда таъсир ўтказишнинг шундай маккорона усуллари қўлланмоқда-ки, унча-мунча одам ғафлатда қолиши ҳеч гап эмас. Аслида имонли, эътиборли инсон бундай мақру хийлаларни жуда осон билиб олса бўлади – улар барчаси инсонлар онгининг энг тубига жойлашган биологик (ҳайвоний) инстинктларни кўзгашига қаратилган. Бундай фильмларда энг эзгу ниятлар ҳам “кўлда автомат” билан амалга оширилади, энг ижобий қаҳрамонлар ҳам шаҳватга берилади, оддий ҳазиллар ҳам ўзини хурмат қилган инсон учун ҳақорагли ҳолатлар шаклида ёки ҳаёсиз ибораларда ифодаланади. “Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, - хулоса қилади Президент, - бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бугунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юргимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади. Глобаллашув жараёнида ёшлар маънавиятига таҳдид солаётган ҳолатлар уяли телефон, Интернет, аудио – видео диск кабиларда намоён бўлмоқда. Маълумки, зўравонлик, бузғунчилик тарғиботи Конституциямиз моддаларида таъқиқланган. “Оммавий маданият” ниқоби остида кўплаб халқларнинг асрий қадриятлари, миллий урф-одаглари, фарзандлар таълим-тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган бу сингари ҳолатларни тарғиб қилувчи воситалар қаторига бугун, таассуфки, уяли телефонлар ҳам қўшилди. Ахборот асрида мобил телефонлар ҳар бир фуқаронинг, жумладан, ёшларнинг муҳим алоқа воситасига айланиб улгурди. Чунки ёшларнинг бугунги қизиқиш ва интилишлари, дунёқараш ва маънавий маданияти дунёда содир бўлаётган энг шов-шувли воқеа ва ҳодисаларни тезкорликда билиш ўзининг яқинлари орасида тарқатишга мойил. Бунда яхши ўзлаштириб олган замонавий ахборот-информацион тарқатиш тизими мутасаддилари яхшигина даромад манбаига айлантириб олмоқдалар. Ёшларни қизиқтираётган муаммо ва маълумотлар бу -ҳар хил порнографик фильм ва расмлар, таниқли шахсларнинг шахсий ва интим ҳаёти, зўравонлик ва зўрлаш усуллари, Интернет орқали хориждан иш ахтариш ёки дўст ва ҳамкорлар ахтаришдан иборат. Ёшлар мобил телефонлардан фақат алоқа воситаси сифатидагина фойдаланмай, балки юқоридаги маълумотларни ўз телефонларига ёзиб олишмоқда. Бунда уларга турли Интернет кафелар тизими мутасаддилари яқиндан ёрдам беришмоқда. Тарқатилаётган мазкур “қизиқарли” маълумотлар афсуски, сон жиҳатдан кўп бўлиб, хизмат кўрсатувчиларга мўмай даромад келтирмоқда ва ёшларни эса маънавий қашшоқлик сари тортмоқда. Шу боис, ахборот тарқатишнинг барча тизимларини қатъий назорат қилиш, моддий ва маънавий жавобгарлик ҳиссини ошириш бугунги кундаги энг долзарб масалага айланмоқда. Кузатиш ва таҳлиллар кўрсатади-ки, сиёсий “чайковчилик” кейинги пайтларда жадал ўсиб бормоқда. Бунга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асос бўлиб, турли мамлакатлар давлат бошлиқларининг бир-бирига зид фикр ва мулоҳазаларини ўзбилармонларча ўзлаштириш, моҳиятини бузиш одатий ҳолга айланмоқда. Табиийки, бу ҳолат ёшларда қатта қизиқиш уйғотмоқда ва дунёқарашини тўғри шаклланишига жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Интернет тармоғи орқали иш ўринлари ахтариш, соҳалар бўйича ҳамкор дўстлар топиш ёшлар учун улкан имкониятлар очмоқда. Аммо афсуски, айнан шу тармоқ алдаш йўли билан одам савдосини янада кенгайтиришга, ёшларнинг диққат-эътиборини ўзига тортишга, ҳаётини тажрибаси йўқ ёшларни эргашиб кетишига олиб келмоқда.

Кейинги йилларда компьютер ўйинлари орқали бизнес қилиш оммалашиб кетди. Ҳар қандай моддий неъматлар билан савдо қилувчилар бозори мавсумий бўлади. Бироқ, компьютер

ўйинлари бозори мавсум танламайди. Қишда ҳам ёзда ҳам бирдай гавжум. Айрим ота-оналар фарзандларининг мактабга номигагина бориб, дарс ўрнига компьютер ўйингоҳларидан ярим тунгача чиқмаётганлиги борасида ханузгача ташвишланаётганлари йўқ. Аксарият ҳолларда болаларимизни компьютер ўйинларга берилиб кетиб, дарс тайёрламай кўяётгани, компьютер ўйинлари учун ота-онаси пул бермаса, уйдан пул ўғирлашгача бориб етаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Компьютер ўйинлари орасида киши хотирасини мустаҳкамловчи, тез фикрлашга ўргатувчи ўйинлар билан бир қаторда афюн сингари нафақат болани балки, катта ёшларни ҳам ўзига боғлаб оладиганлари жуда кўп. Сайёралараро урушлар, йирткич ҳайвонлар билан кураш, сеҳргарликни тарғиб қилувчи тасвири ифодаланган ўйинлар болаларни ёвузлик руҳида тарбиялаётгани ва уларда асабий кайфиятни шакллантираётгани. Буларнинг таъсирига тушган ёшлар ота-онасига гап қайтариш, қўл кўтариш, ҳаттоки қотиллик содир этишгача бориб етмоқдалар.

Биз учун мутлақо ёт гоёлар, оқимлар ва турли иллатларнинг кириб келишига йўл қўймаслик, ҳали оқ-қорани яхши ажрата олмайдиган навниҳол фарзандларимизнинг юксак маънавият ва салоҳият соҳиби бўлишини таъминлаш истиқболимизни химоялаш демакдир. Китоб ушбу мақсадларга эришишда асосий манбалардан бири ҳисобланади. Азалдан халқимиз китобхонлик ва илм-маърифат иштиёқманди сифатида донг таратган. Айниқса, китобат саноатининг қадимий манбалари бундан яққол далолат беради. Китоб инсоннинг маънавий оламини бойитишига, онгу тафаккурини ўсишига яқиндан қўмақ беради. Шунинг учун ҳам китоб доим эъзозланиб келинган. Минг афсуски, юртимиз худудига диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализмни тарғиб қилувчи адабиётлар ва бошқа воситаларнинг кириб келиши маънавиятимизга катта таҳдид солмоқда. Виложимизда ҳам турли оқимларнинг карашларини ўзида ифода этган, ёт гоёлар мазмунидаги диний адабиётлар тарқалишини олдини олиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида маънавий-маърифий омиллар, оилавий тарбия ва билим даражаси таъсир кўрсатадиган истеъмолчилар эҳтиёжида ҳам ўз аксини топмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда аҳоли кўпроқ психология, саломатлик, шунингдек, тилга оид китоблар, махсус ўқув, компьютер, илмий адабиётларни кўпроқ харид қилишмоқда. Шу билан бирга миллий кадриятларимизни ҳамда кўхна ва бой тарихимизни бетакрор, гўзал, ранг-баранг жилоси ва оғир, ташвишли кунлари билан рўй-рост ҳаққоний очиб берувчи, ёшларбоп китобларга ҳам талаб ортмоқда. Янги ташкил этилган китоб савдо марказларида аҳоли томонидан билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда “Китоб-совға” ҳамда “Диний адабиётлар” бўлимлари ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Шаҳар ва туманларда аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда китоб савдо кўرғазмалари, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилса, китоб савдосини ривожлантириш мақсадида китоб сотувчиларни ҳамда харидорларни рағбатлантириш тадбирлари белгиланса ўйлаймизки биз янада кўпроқ натижага эришган бўлардик.

Истиқлол йилларида турли хуружларга кўп бор дуч келдик ва сир эмаски, бундай уринишлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Ачинарлиси шундаки, бепарволик, атрофимизда, узоқ-яқин худудларда кечаётган воқеа-ҳодисалар, мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар моҳиятини, “оммавий маданият” аслида нима эканлигини чуқур англамаслик натижасида халқнинг миллий илдизларини заифлаштиришга қаратилган уринишларнинг ҳаттоки иштирокчиси бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Айримларимиз ўйлаб-нетмай бировнинг ноғорасига ўйнаб кетамиз, одоб-ахлоқимизга, маънавиятимизга, миллий менталитетимизга ёт нарсаларни фарқламаймиз. Ўзимизнинг минг йилликлар синовидан ўтган кадриятларимиз қолиб, бошқаларнинг кадриятларига чапак чаламиз. Халқ бекорга “Бир балоси бўлмаса, шудорда куйруқ на қилур?”, деб айтмаган. Интернет, телевидение, айрим кино маҳсулотлари орқали шууримизга сингдирилаётган “янгича” замонавий кадриятлар замирида нима борлигини, бу нарсалар нега энди айнан бизга ҳавола этилаётганлигини ҳаммамиз ҳам ўйлаб кўрмаймиз. Бугун биз эътибор бермаётган бундай “майда-чуйда” нарсалар, чунончи, ғайриахлоқий реклама

роликлари, болаларга мўлжалланган жангари ўйинчоқ ва мультфильмлар замиридаги яширин ният эртага ёшлар онгини зарарли чирмовук янглиғ ўраб олиши мумкинлигидан хавотирга тушмаймиз.

Маънавиятни тушуниш ва англаш учун аввало, инсонни тушуниш ва англаш зарур. Демак маънавият инсоннинг руҳий олами, комиллик сари интилиши, одоб-ахлоқи, ўзи мансуб бўлган халқ тарихи, урф-одатлари ва кадриятларига муносабатини кўрсатувчи ўзига хос кўзгу ҳамдир. Маънавиятнинг енгилмас куч эканлиги ҳам шунда. Зеро руҳий олами пок, ўзини, ўзлигини англаган, келажакка ишончи мустаҳкам, имон-эътиқоди бугун кишига ҳеч қандай ташқи куч таъсир ўтказма олмайди. Маънавиятсизлик туфайли яна бир иллат- одам савдоси жинояти ҳам содир этилаётгани, бугун кўпчилик бундан азият чекмоқда. Одам савдоси бозори хозирги кунда ер юзида наркотик ва психотроп моддалар ҳамда қурол-яроғ савдосидан кейин учинчи ўринда туради. Минг афсуски, инсон ҳаётини тасарруф қилиш, инсонни олди-сотди нарсага айлантириш айрим ваҳший, баднафс ва ҳаром шахсларнинг доимий фаолиятига ҳам мўмайгина даромад манбаига айланиб қолмоқда. Одам савдосига учраётган кинишар ўзларининг соддаликлари, ўз ҳаётларига, яқинларига, уларнинг тақдири ва келажакига бефарқ бўлишлари, олий неъмат деб эътироф этиладиган ҳаёт тушунчасига бепарволик билан қарашлари оқибатида бундай ёвуз кимсаларнинг ўлжасига, уларнинг осон даромад манбаига айланиб қолмоқдалар. Бугун қайси қишлоққа, қайси маҳаллага борманг кўпчилик эркакларнинг узоқ ва яқин хорижга ишга кетганлиги ҳақида эшитасиз! Эркакларку эркаклар, аёлларнинг ҳам уй жойини, рўзгорини, бола-чақасини ташлаб йиллар давомида хорижда ишлаб юрганига нима дейсиз?! Огохлик бугун ҳар қачонгиданда муҳим вазифалардан биридир. Бугун ҳар хил мафкуравий таҳдидлар кучайган бир даврда яшайпмиз. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки фуқороларимиз МДХ давлатларига ишлаш мақсадида кетиб, турли террорчилик ва диний экстремистик гуруҳлар таъсири остига тушиб қолмоқдалар. Одам савдосига қарши курашиш ва олдини олиш мақсадида мамлакатимизда ҳуқуқий асос яратилди. Республикаимизда барча ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган ходимлари узоқ муддатга хорижга кетган, одам савдоси қурбонига айланган шахсларни аниқлаш, уларнинг жиноятга мойиллиги бор йўқлигини ўрганиш ва иш билан таъминлаш бўйича шуғулланмоқда. Бугун давлатимизда ҳукуматимиз томонидан узоқ муддатга хорижга чиқиб кетган фуқороларни қайтариш ва уларни муносиб иш билан таъминлаш чоралари кўриломоқда. Мунтазам ўтказилаётган “Бўш иш ўринлари” ярмаркаларида аҳоли бандлиги таъминланмоқда. Туманлардаги бандликка қўмақлашиш марказлари томонидан ҳудуддаги хорижга узоқ муддатга чиқиб кетган фуқоролар ўрганилиб, тегишли чоралар кўриломоқда. Бугун давлат ва жамият қўллаб қувватлаб турганидан, унинг тақдирига бефарқ бўлмаганидан хурсанд бўлмайдами киши?! Тўрт мучаси соғ, жисмонан бақувват, тоғни урса талқон қиладиган йигитлар иш излаб хорижга чиқиши уят! Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, дейдилар. Тадбиркорлик, хусусий мулкчиликни ривожлантириш учун шунча пароят яратилиб берилган бир даврда ишсизликдан нолиш ношукрлик! “Ҳар ерни ҳам қилмагин орзу, ҳар ерда бор тош-у тарози” дейди доно ҳалқимиз! Узоқ хорижни орзу қилаётганлар афтидан пулни кўчадан супириб оламан деб ўйлашади шекилли, тайинли касби, хунари бўлмаса ҳам у ошиқади. Оқибатда, қўлидан бирор иш келмай сарсон саргардон бўлиб қайтиб келади. Бироқ, хориж сафари учун йўлқирага сарфланаётган пулга ҳам дастлабки сармойани йўлга қўйиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар! Хатосини тушуниб етганда эса...кеч бўлади! Шунинг учун хулоса чиқарайлик, ҳалол меҳнат қилиб, мамлакатимиз ривожига, оилаларимиз фаровонлигига ҳисса қўшайлик!

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Истом Каҳимов. "Юксак маънавият - енгилмас куч" асари

МУНДАРИЖА

Э.Салиев. Сўз боши.....	3
Н.Алимов, А.Турабов - Баркамол авлодни тарбиялашда устоз-шоғирд тизимидаги психологик ва педагогик омиллар.....	5
Ф.Ахмедшина - Ёш авлод маънавий тарбиясида оиланинг ўрни ва роли.....	7
Н.Мухторова - Жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқий-сиёсий саводхонлигини оширишда сиёсий партиялар “аёллар каноти”нинг ўрни.....	10
Д.Соатова - Ҳаё, ибo ҳамроҳ бўлсин.....	11
Б.Турсунова, С.Илҳомова - Жўшқинликка ташна болалик.....	13
М.Т.Ҳасанова, Б.Тошпўлатов, И.Ш.Алқаров - Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда аёлнинг ўрни.....	16
Бахти Очилова - Дунёқараш илми ва аёл маънавияти.....	19
З.Ж.Пардаева, Х.О.Пардаева - Ўзбек оиласининг кадриялари.....	21
Sh.O'ralov, N.Abdullayeva - Jamiyatda global muammolar.....	23
Қ.Ўролов, О.Ортиков, С.Норбеков, Х.Хидиров - Ёшлар тарбиясидаги салбий иллатларнинг олдини олиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.....	24
А.Хазраткулова - Роль женсовета в сплочении женщин разных национальностей.....	26
Б.Я.Рашидова, С.А.Ахмедов - Оилада соғлом муҳитни яратишда оналарнинг ўрни.....	27
К.Файзуллаева, М.Холбекова - Хокимиятни бошқараётган нуфузли аёллар.....	28
К.Файзуллаева, С.Холбекова - Сиёсатда аёллар нуфузи.....	30
Қ.Я.Юсупов, В.М.Ходжиматов - Аёллар-жамиятнинг ишончли таянчи.....	31
Х.Хидиров, Т.Ибайдуллаев, А.Тошбоев - Глобаллашув даври ва “оммавий маданият”нинг салбий оқибатлари.....	32
М.Normurodovna - Yoshlarni tarbiyalashda xotin-qizlarning roli.....	34
З.Абдувалиева, Х.Абдувалиев - Хотин-қизлар спорти баркамол авлодни тарбиялаш хизматида.....	35
Н.Абдулхайтова - Zulfiya – o'zbek ayolining eng yorqin timsoli.....	37
S.Abdualieva - Zulfiya – o'zbek ayolining eng yorqin timsoli.....	38
Х.А.Абдувалиев, Е.С.Абдувалиева - Ayollar sportini rivojlantirishda ekalogik tarbiyaning ahamiyati.....	39
D.E.Abdurahobova, D.Obidova - Sog'lom turmush tarzining inson hayotidagi ahamiyati.....	41
D.E.Abdurahobova, M.Tursunova - Milliy va umuminsoniy qadriyatlar oilada farzand tarbiyasining asosi sifatida.....	42
Н.Турсунбоева, Б.Мардонов, Э.Абдукаримова - Маънавиятга таҳдид таъқиқланади.....	44
Н.Абдукодирова, У. Тошназарова, И.Сарикулова - Диний экстремизмнинг ижтимоий хавфи.....	48
Д.Абдуллаева - Ижтимоий ҳаёт тараққиёти ва маънавиятида аёл шахсининг ўрни.....	51
I.Abdullayeva - Ma'naviyat ziyosi.....	53
М.Абдуллаев, Р.Бердимуратов - Соғлом турмуш тарзи талаблари ва касалликларнинг олдини олиш.....	54
Абдураимов А.С., Дониёров С.А., Кенжаев А.А. - Тиббиёт коллежи ҳамшира талабалари дунёқарашда ижобий танқидий фикрлашни фаол ривожлантириш-давр талаби.....	55
D.Abdurasulova, O'.Ropiyeva - Oila – muqaddas dargoh.....	56
D.A.Abduxalikova - O'zbekiston ijtimoiy- siyosiy jarayonlarida ayollarning o'rni.....	59
Н.Абрайкулова - “М.Турғунбоева ижодий меросининг қизларни маънавий тарбиялашдаги ўрни”.....	61
Г.Азаматова, С.Бозорова - Жамиятни демократлаштиришда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги.....	63
Z.Akbo'layeva, M.Mamayusupova - Zamonaviy axborot tarmog'i.....	65
Ф.Акрамова, У.Эгамбердиев - Оила – баркамол авлод тарбиясининг асосий омили.....	66
Z.Alibekova - Talabalarning chet tili faniga qiziqishini oshirish va uni shakllantirish yo'llari.....	67
Ҳ.Алиев, Р.Камолдинова, З.Умарова, Б.Разақов, И.Жалолов-Мустаҳкам оила асослари.....	69
Ш.Алимова, Г.Бурхонова-Ёшларни тарбиялашда бегона ғоялардан ҳимоя қилиш масалалари.....	70
М.Аллаев, Ш.Халилов, К.Қалиров, Д.Абдуллаева-Маънавий комиллик ва инсон қалбига йўл.....	71
Н.Алламуродова, З.Исмаева - Аёлнинг кадрлаган юрт.....	73